



ХОРАЗМ КУНДА ЯШАРАЯПТИ

Ишонмасангиз, келинг, кўринг...



ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

ЎЗБЕК ШАХМАТЧИЛАРИ ДУНЁДА ТЕНГСИЗ!



Бу хушxabар бутун Ўзбекистонни қувонтирди, тўлқинлантирди, ғурурлантирди. Фарзандларимизнинг оламшумул ғалабаси «Оққан дарё оқаверади», деган ҳикмат қанчалик ҳақиқатлигини яна бир бор эслатди, исботлади...

ТОШКЕНТДА ЯНА БИР КОРЕЯ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ ОЧИЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 30 ноябрдаги «Тошкент шаҳрида Аджу университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ пойтахтимизда қурилиш, архитектура, электротехника соҳалари ва бошқа талаб юқори бўлган таълим йўналишларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Жанубий Корейнинг Аджу университети филиали очилади.

Янги олий ўқув юртини молиялаштириш тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилинаётган талабалар маблаглари, ҳужалик фаолиятдан тушадиган даромадлар, шартнома асосида хизмат кўрсатиш ва бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетни ҳисобидан келгуси ўқув йилининг бошида университет бино ва иншоотларини тайёрлаш бўйича таъмирлаш-қурилиш ишлари амалга оширилади. Ўқув жараёнида кадрларни тайёрлашнинг юқори даражасини таъминловчи илгор педагогик ва ахборот технологиялари, фан ва техни-

канинг энг янги ютуқларидан фойдаланилади. 2019/2020 ўқув йилида университетда бир вақтнинг ўзига бакалаврларни тайёрлашнинг учта — архитектура, электротехника ва қурилиш-инжиниринг йўналишлари очилиши режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Банк-молия академиясида магистратура ихтисослиги бўйича бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича Аджу университетининг иқтисодий ва бизнес олий мактаби очилади.

Роман БОНДАРЧУК,
Ўза мухбири.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизimini тўбдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Президент фармони ижросини таъминлашда партия ташкилотларининг иштироки» мавзусида семинар ўтказди.

ҲАЁТИЙ ТАКЛИФЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

— Маълумотларга кўра, юртимизда 650 минг нафардан ортиқ ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатга олинган, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Акмал Турсунбоев. — Партиямиз Марказий Кенгаши ногиронлар жамиятлари билан ҳамкорликда жойлардаги ҳолатни ўрганиб, одамларнинг ҳаёт тарзи билан яқиндан танишди. Юзма-юз мулоқотлар тизими йўлга қўйилди. Учрашувлар давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар, ўтказилган сўровлар натижаларидан келиб чиқиб, қатор таклифлар тайёрланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ишлаб чиқилаётган «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасига киритиш учун 50 дан ортиқ таклиф умумлаштирилиб, партиямиз фракциясига тақдим этилди.

Шунингдек, ҳудудий партия ташкилотлари ва депутатлар томонидан шаҳар йўловчи транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан эркин фойдаланиш бўйича яратилган шароитларни ўрганилди. Мазкур йўналишда олиб борилган таҳлиллар асосида 67 масала партия гуруҳида, 46 масала доимий

комиссияда муҳокама этилди, 33 масала сессияга олиб чиқилди. Семинарда ногиронлиги бўлган шахсларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида олиб борилаётган тадбирлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Вилоят, туман марказларида умумтаълим мактаблари қошида брайл алифбосини ўқитиш бўйича махсус курслар ташкил этилиши устидан назорат ўрнатилгани қайд этилди.

Таъкидландики, партия ташаббуси билан кўтарилган масалалар амалиётга татбиқ этилмоқда. Масалан, ногиронлиги бўлган шахсларга шаҳар йўловчи транспортининг бекат ва йўналишларини овоз ёрдамида эълон қилиш имкониятига эга автобуслар харид қилиш ишлари бошланди. Келгусида ишлаб чиқариладиган миллий энгил автомобиллар ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун мослаштирилган ҳолда, махсус ускуналар билан қайта жиҳозланиши борасида ҳам муайян янгиликлар бўлиши кўтиляпти.

— Партиямиз томонидан жорий йилнинг 6 ноябидан 6 декабрига қадар «Меҳр улашинг» ойлиги эълон қилинган

эди, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Дурбек Худойкулов. — Ойлик доирасида ҳудудларда меҳнат ярмаркалари, тиббий акциялар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ўз мустақил ишини юритиш истидада бўлган фуқаролар учун яратилган имкониятлар ҳақида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда. Шу кунга қадар 125 туман, шаҳарда тадбирлар ўтказилиб, ҳолий ташкилотлар томонидан эҳтиёжмандларга 200 га яқин ногиронлик аравачалари тарқатилди. Бундан ташқари, 10 мингга яқин ногиронлиги бўлган шахслар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий қўмак берилди. Ойлик доирасида беш мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган шахслар малакали тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг аҳолининг ҳаётини яқинлаштириш учун йўлланмалар берилди.

Шунингдек, давра суҳбатидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши ва бандлиги, тиббий-ижтимоий реабилитациясини таъминлаш каби масалалар юзасидан таклифлар билдирилди.

Ўз мухбири.



ЯНГИ ФОНД

Орол фожиасини
енгиллаштиради...

Сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш масалаларини самарали ҳал этиш, Орол фожиаси оқибатларининг олдини олишга қаратилган ҳаракатларни бирлаштириш мамлакатимиз ташқи сиёсатидаги муҳим йўналишлардан ҳисобланади.

Маълумки, 27 ноябрь кунин Нью-Йорк шаҳрида БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон ҳавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст фонди фаолияти бошланишига бағишланган юқори даражадаги тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда инсон ҳавфсизлиги концепциясини қўллаш орқали Орол инқирози натижасида азият чекаган аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини таҳлил қилиш ҳамда таъминлашга асосланган жамғарманинг стратегия дастури тақдим этилди. Бундан мақсад борган сари халқро ҳам-жамиятнинг ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилаётган Орол денгизининг экологик инқирозига халқро жамоатчилик ва донор мамлакатлар эътиборини қаратишдир.

Қачонлардир жаҳондаги энг катта қўлларнинг тўртинчиси бўлган Орол денгизининг қуриши дунёдаги йирик экологик фожиалардан, дейиш тўғриси бўлади. Чунки Орол муаммоси туфайли минтақада бошқа экологик, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳам келиб чиқди. Охириги 50 йилда Амударё ва Сирдарёнинг Орол денгизига қўйиладиган сув миқдори беш қарра қисқарди, денгиз ҳажми эса 14 мартага кичрайдиган. Сувнинг шўрлашиш даражаси 25 марта ўсди ва жаҳон океанларининг минераллашуви даражасидан анчагина ошиб кетди. Бугун майдони 5,5 миллион гектарга тенг бўлган қум-туз чўли юзга келди, қум ва туз бўронлари авж олмоқда. Улар ҳар йили бир неча минг километр масофага, 75 миллион тонадан кўпроқ қум ва тузни атмосферага тарқатмоқда.

Орол фожиаси минтақадаги иқлим шароитини оғирлаштирди, ёз даврида қуруқлик ва жазирани кучайтирди, совуқ, қатқатқич қишни узайтириб юборди. Мутахассислар таҳминига кўра, 2035-2050 йилларга келиб минтақадаги ҳаво даражаси ҳозирги кўрсаткичларга нисбатан яна 1,5-3 иссиқлиги ўсиши мумкин. Орол фожиасининг таҳдидли таъсири бутун дунёда қузатилмоқда. Халқро экспортлар Орол минтақасининг

захарли тузлари Антарктида сохилларида, Гренландия музликларида, Норвегия ўрмонларида ҳамда Ер қуррасининг кўплаб бошқа жойларида топилганини таъкидламоқда. Демак, Орол фожиасини бартараф этиш билан минтақа давлатларига эмас, бутун дунё давлатлари шугулланиши керак.

Инсон ҳуқуқлари, эҳтиёжлари асосланган кенг қамровли фонд жаҳондаги энг йирик антропоген фалокатлардан бирининг оқибатларини бартараф қилишда ўта муҳим аҳамият касб этиши кўтиляпти. У илгор жаҳон таърибасига мувофиқ, стратегик, шаффоф ҳамда эҳтиёжларини қўллаб-қувватловчи дастурий ёндашуви ёқланган ҳолда Оролбўйи минтақаси муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилган сайё-ҳаракатларини давом эттиради. Бундан ташқари, фонд Оролбўйи минтақасида яшайдиган аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини аниқлаш бўйича ижтимоий тадқиқотлар натижалари асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон ҳукумати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Давлат дастури доирасида қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Жамғарманинг мақсади бирлашган Стратегия асосида мувофиқлаштирилган донорлик қўмагини жалб қилиш йўли билан ушбу сайё-ҳаракатларни тўлдирishдан иборат. Шунингдек, Оролбўйининг энг заиф ва узок ҳудудларига ёрдам бериш, ҳамжамиятлар билан бевосита ишлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Тўғри, янги Фонд Оролни аввалги ҳолига қайтаради, деб бўлмайди. Аммо бу йирик қадам, гоёт муҳим ташаббус фожианинг зарарли оқибатларини камайтириш, вазиятни яхшилашга хизмат қилишига ишонаман.

Хусан АБДУНИЯЗОВ,
халқ депутатлари
Дўстлик туман
Кенгашидаги Ўзбекистон
ХДП гуруҳи аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 4 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.

1 АҚШ
доллари
8314,85

1 Англия фунт
стерлинги
10602,27

1 Жанубий
Корея вони
7,43

1 Канада
доллари
6255,06

1 Швейцария
франки
8325,67

1 Миср фунти
465,56

1 ЕВРО
9408,25

1 Россия
рубли
123,85

1 Япония
иенаси
73,28

1 Хитой
юани
1195,38

1 БАА дирҳами
2263,90

1 Австралия
доллари
6082,31

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ ЙИГИЛИШИ

ТИЛАНЧИЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНАДИМИ?..

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2018 йил 17 август) ратификация қилиш ҳақидаги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.



PARTYALAKAR
BARCHA S
UCHUN TENG
PARLAMENT RO
MUHIM SH

— Мазкур ҳужжат лойиҳаси Президентнинг жорий йил 28 августдаги қарорига мувофиқ тайёрланган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Феруза Эшматова. — Унда Тожикистон Республикаси Президентининг мамлакатимизга амалга оширган давлат ташрифи давомида икки давлат раҳбарлари томонидан жорий йил 17 августда Тошкент шаҳрида имзоланган шартномани ратификация қилиш назарда тутилган. Шартномада давлатлараро муносабатларнинг ривожланиш истиқболлари аниқ қамраб олинган. Сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, инвестициявий, сув-энергетика, экология, маданий-гуманитар, ҳарбий-техникавий ва бошқа соҳаларда икки томонлама манфаатли муносабатларнинг асосий тамойиллари, устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Фракцияси фикрича, Президентимизнинг яқин кўшнчилиги, дўстлик ришта-ларини янада мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсати билан йўғрилган ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларни янги, босқичга олиб чиқишга, икки томонла-ма алоқаларни кучайтириш-га хизмат қилади.

Фракция аъзолари Ўзбекистон Республикасининг ай-рим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар ки-ритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини бил-дирди. Мазкур лойиҳа тилан-чилиқни ўзига касб қилиб ол-ган айрим тоифадаги шахс-лар учун жавобгарлик белги-ланишини назарда тутди.

— Афсуски, бугунги кунда тиланчилиқни ўзига касб қилиб олган кишилар кўпайиб бормоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Шухрат Мамажонов. — Бояга етма-ганлар, ногиронлиги бўлган шахслардан фойдаланиб ёхуд ўзини ногирон сифати-да кўрсатиб, тиланчилик қилиш ҳолатлари ортган. Улар йўлнинг транспорт қат-нови қисми, хиббонлар, ис-тироҳат боғлари, бозорлар ва савдо мажмуалари, мада-ният ёдгорликлари, аэро-порт, вокзаллар атрофи, жа-моат транспортда ўз «фао-лияти»ни амалга оширади.

Икки ишлар идоралари томонидан 2017 йилда Тош-кент шаҳрида тиланчилик би-лан шуғулланувчи 5 мингдан ортқ киши аниқланган. Уларнинг 4 мингдан зиёди аёллар, ёш болали аёллар, 100 нафарга яқини ногиро-ни, бўлган, шахслар ҳамда 500 га яқин кекса ёшдагилар-дан иборат.

Тиланчилик билан боғлиқ ҳолатлар мамлакатимиз иж-тимоий ҳаётига ўзининг сал-бий таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, туристларда Ўзбе-кистонда фуқароларни ижти-моий муҳофаза қилиш ҳола-ти ҳақида нотўғри тушунча-га келиши хавфи ҳам ошмоқ-да. Бундай шахслар ўзининг, қолаверса, қўлидаги чақалоқ ёки ёш боланинг ҳаётини хавф остида қолдирмоқда. Болани таълим олиш ҳуқу-қидан маҳрум этиб, бекорчи ва боқиманда бўлиб улғайи-шига олиб келмоқда.

Биз бу масалада жавоб-гарлик кучайтирилишига қарши эмасмиз. Аммо хо-тин-қизлар ҳамда бола ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар кучайти-рилиши зарур, деб ҳисоб-лаймиз. Яъни, савол бери-шимиз керак. Аёлни қў-лида чақалоғи билан ма-шина тўла кўчада ёрдам сўраб чиқишга ундаган са-баб аслида нима? Эҳти-мол, айримлар энг охириги чора сифатида тиланчилик қилишга мажбур бўлаёт-гандир?.. Талабга яраша тақлиф бўлсагина қонун-чилик меъёрларига тўлиқ амал қилинади.

Жиноят кодексининг 177-моддаси ва Маъмурий жа-вобгарлик тўғрисидаги қон-унлар билан ҳам муносабат-лар белгиланган.

декснинг 170-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар диққат маркази-да бўлди.

Таъкидландики, юртимиз-да чет эл валютасини айир-бошлашни эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларга қарамай, унинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ошиб бормоқда. Шундан ке-либ чиқиб, валюта қиммат-ликларини қонунга ҳилоф ра-вишда олиш ёки ўтказиш учун жазо чораларини белги-лаш, жарималар миқдорини ошириш кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда бошқа қонун лойиҳалари ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

3 ДЕКАБРЬ — ХАЛҚАРО
НОГИРОНЛАР КУНИ

Тошкент шаҳар партия кенгаши фаоллари Яшнобод туманидаги имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган 52-сонли мактабдаги тарбияланувчилар билан дилдан суҳбатлашди, муассасада яратилган шароит билан танишди.

«МЕҲР УЛАШИНГ»

акцияси доирасида хайрия тадбири ўтказилди

КОНСТИТУЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН ОЛДИДАН

МУРОЖААТ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ



Боймурод ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши бўлим бошлиғи:

— Конституциямизнинг 35-моддасига кўра, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан бирга-ликда ваколатли давлат органлари-га, муассасаларига ёки халқ вакил-ларига ариза, тақлиф ва шикоят-лар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ариза, тақлиф ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқишлиги шарт. Ушбу конституциявий қонуннинг амалда рўйбга чиқиши учун мамла-катимизда изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатла-рида кўрсатилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон ХДП тизимида ҳам «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатла-ри тўғрисида»ги қонун асосида иш олиб боришмоқда.

Партия ташкилотларимиз қоши-даги Жамоатчилик қабулхоналари-га жорий йилнинг 11 ойида 13475 фуқародан мурожаат бўлган. Улар-нинг 9852 тасига ижобий ечим то-пилди. Партияимиз Марказий Ке-нгаши Жамоатчилик қабулхонасига эса 115 мурожаат тушган бўлиб, унинг 110 таси депутатлик бирлаш-малари томонидан ўз вақтида кўриб чиқилган ва ҳал этилган. Қолган 36

мурожаатда келтирилган масалалар тегишлилиги бўйича мутасадди ва-зирлик ва идораларга юборилган. Шунингдек, фуқаролар билан мулоқот қилиш режасига асосан партияимиз Марказий Кенгаши ҳамда ҳудудий ташкилотлар раис-лари томонидан ҳар ойда туман ва шаҳарларда сайёр қабуллар таш-кил этилмоқда. Ушбу мулоқотларда аҳоли томонидан турли хил масала-лар ўртага ташланмоқда. Статисти-кага эътибор қаратсак, жорий йил-да икки мингга яқин мурожаат бўлган. Уларда кўтарилган масала-ларга баҳоли қудрат ечим топилмоқ-да.

Мисол учун, Фаргона вилояти, Учкўприк тумани, Тинчлик МФЙ, Қатагон қишлоғида яшовчи Ш.Юлдашева мурожаат қилган эди. У «Хар бир оила — тадбиркор» дас-тури доирасида банклар томонидан ажратилаётган кредит маблағини олиш учун АТБ «Микрокредитбанк»-нинг Учкўприк филиалига жорий йил июль ойида ҳужжат топширгани, бироқ кредит ололмаётганини бил-дирган. Партия Марказий Кенгаши томонидан мурожаат ўрганиб чиқил-ди ва банкдан амалий ёрдам сўрал-ди. Натижада аёлга 25 млн. сўм кре-дит ажратилди. Ушбу маблағ иш-лаб чиқаришга йўналтирилган, хо-тин-қизларнинг бандлиги таъмин-ланди.

Фуқароларнинг мурожаатларига ечим топиш ва уларга амалий кўмак бериш борасида партия тузилма-

лари томонидан барча имкониятлар ишга солинмоқда. Маҳаллий Ке-нгашларда ҳокимлар ва тегишли дав-лат органлари раҳбарларининг ўз ваколатларига тегишли масалалар юзасидан 175 марта ҳисоботи ва ахборотлари эшитилди.

Маҳаллий Кенгашлардаги пар-тияимиз гуруҳларида 756, доимий ко-миссияларда 612, сессияларда эса 365 масала кўриб чиқилиб, тегиш-ли қарорлар қабул қилинишига эри-шилди.

Мурожаатлар таҳлил қилинган-да аҳоли бандлигини таъминлаш, битирувчиларни ишга жойлашти-риш, поликлиникаларни замонавий тиббиёт ва диагностика асбоб-ус-қуналари билан жиҳозлаш, дори во-ситалари ва фармацевтика, таълим тизимини янада ривожлантириш, қишлоқ оилавий поликлиникалари, мактабгача таълим муассасалари-нинг моддий-техника базасини ях-шилаш, ҳодимлар меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ке-нгайтириш масалалари долзарб аҳамият касб этиши маълум бўлди.

Биз шундай ҳулосага келдик, жа-моатчилик билан тўғридан-тўғри мулоқот ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг энг самарали усули экан.

Конституция ва қонун ҳужжатла-ри мамлакатимизда ҳуқуқий демок-ратик давлат барпо этиш ҳамда хал-қимиз фаровонлигини янада юксал-тиришиш мустаҳкам ҳуқуқий асо-си бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциямизнинг 35-моддасига кўра, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

ҚўМИТА ЙИГИЛИШИ

Арзон уй-жойлар ҳақиқий эгаларига берилаяптими?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси фойдаланиш-га топширилган арзон уй-жойларнинг қурилиш сифа-ти, ҳақиқий эгаларига берилиши билан боғлиқ маса-лаларни Тошкент вилояти мисолида ўрганди. Яқинда ушбу ўрганишлар якуни янада қўмитанинг йи-гилиши ўтказилди. Унда депутатлар, тегишли вазир-лик ва идоралар вакиллари, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишда Шаҳарсозлик кодекси ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Тизимдаги ислохотларни чуқурлаштириш, бу йўналиш-даги бошқарувни бозор та-момийллари бўйича олиб бо-ришга катта эътибор қарати-лмоқда. Айниқса, юртимизнинг қишлоқ ва маҳаллалари аҳо-лиси учун муносиб шароитлар яратиш, турмуш маданиятини янада юксалтириш мақсади-да «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доира-сида кенг кўламли қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Шунга қарамай, тўлиқ ижобий ўзгаришлар рўй бермаяпти. Қўмита йиғилишида арзон уй-жойларнинг ҳақиқий эгалари-га берилиши, уй-жойларнинг сифати масалалари атрофи-ча муҳокама қилинди.

— Жойлардаги мулоқот-ларда тушаётган мурожаатлар таҳлили аҳолини арзон ва си-фатли уй-жой билан таъмин-лашда қатор муаммолар юза-га келганини кўрсатмоқда, — деди Олий Мажлис Қонун-чилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Акмал Умаралиев. — Масалан, ша-ҳарларда арзон кўп квартира-ли, қишлоқ жойларда янгилан-ган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар бел-гиланган муддатларда қуриб битказилмаяпти. Кўп жойлар-да бундай уйлар шошма-шо-шарлик билан сифатсиз қурилган. Шу билан бирга, қурилиш материалларидан белгиланган меъёрлар асоси-да фойдаланмаслик ҳолатла-ри кўзга ташланмоқда. Маз-кур уй-жойлар атрофида иж-тимоий объектларни барпо этиш масалалари ҳам депу-татлар эътиборидан четда қолмаяпти. Лойиҳа-қидирув ташкилотларининг илгор ин-новацион дастурий ечимлар ва замонавий ахборот база-си билан жиҳозланганини иш сифатига таъсир кўрсатмоқ-да. Кўплаб аҳоли пунктлари-нинг тасдиқланган бош режа-лари ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари йўқ. Замонавий комплекс қуриш талабларига риоя этилмаслиги аҳоли пунктларининг меъмурий қиё-фаси ёмонлашувига олиб кел-моқда.

Мутасадди идоралар то-монидан ҳомаёш имтиёзли нархларда етказиб берилма-япти. Жараён устидан техник, давлат ҳамда эгалик назора-ти етарли йўлга қўйилмаган. Ишлар сифатсиз бажарилаёт-гани, илгор инновацион таж-риба суиист жорий этилаётга-ни, соҳада малакали мутахас-сислар етишмаслиги каби ма-салалар ўз ечимини кутмоқда. Бундан ташқари, соҳага оид қонунчиликни, Шаҳарсоз-лик кодекси меъёрларини бу-гунги ислохотлар талаблари-га мос равишда такомиллаш-тириш зарур. Юклатилган ва-зифаларни ўз вақтида бажари-ш чораларини кўриш, қури-лиш режалаштирилаётган ижтимоий объектларни лойи-ҳалаштиришда эски қолип-лардан воз кечиб, инноваци-он ёндашувларни жорий этиш лозимлиги ҳақида фикр-муло-ҳазалар билдирилди. Тақлиф-таъсирларни умумлаштирган ҳолда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Конституцияга бағишланган тадбир

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуни-кациялар университетида Конституциямизнинг 26 йил-лигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази раиси, академик Акмал Саидов иш-тирок этди. У Ўзбекистон Республикаси Конститу-цияси лойиҳасини тайёрлаш комиссияси аъзоси бўлгани, Бош қомусимизни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёни, шунингдек, ҳуқуқий саводхонликнинг жам-иятдаги ўрни ҳусусида сўз юритди.

Асосий қонунимизнинг 46-моддаси ҳақида алоҳида тўх-талди. Конституциямизга ушбу норма Биринчи Президенти-миз тақлифи билан киритил-ган экан. Санокли мамлакатлар Конституциясида гендер тенг-лиги ҳақида модда киритилга-ни таъкидланди. Бу 2014 йил 5 ноябрда Женевада бўлиб ўтган халқаро конференцияда ҳам эътироф этилган. Акмал Холматович Ўзбекистон Рес-публикаси Конституциясида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқларининг қафолатини таъ-минлаш бўйича мамлакатим-изда амалга оширилаётган ишларни ҳаётий мисоллар бил-ан асослаб берди.

Шунингдек, конституция атамасига алоҳида тўхтади: «Давлат пайдо бўлибдики, унинг асосий қонуни ҳам бўла-ди. Фақат у турли давлатлар-

да турлича аталади. Масалан, бизда «Темур тузуклари» кон-ституция вазифасини ўтаган.

Хар бир давлат қайтарил-мас ҳодиса. Бир-бирига ўх-шайдиган одам бўлмаганидек, давлатлар ҳам бир хил бўл-майди. Унинг қонунлари ҳам шундай. Дунёда уч юздан ортқ давлат бор, ҳар бири ўз Конституциясига эга. Қуво-нарлиси, Ўзбекистон дунё конституциявий харитасида муносиб ўрнига эга».

Давра суҳбати давомида талабалар ўзларини қизиқти-рган саволларга жавоб олиш-ди. Тадбирда Акмал Саидов ўз китобларини университет кутубхонасига совға қилди.

Дилшоҳон ОЛИМОВА,
Ўзбекистон журналисти-ка ва оммавий коммуни-кациялар университети талабаси.

МУНОСАБАТ

ХОРАЗМ КУНДА ЯШАРАЯПТИ

...Хоразмда бутун йил қурғоқчил келди, деярли ёмғир ёлмади. Шундай оғир йилда ҳам Хоразм деҳқонлари қишлоқ хўжалиги экинларидан режадаги ҳосилни кўтариш учун бор имкониятлардан фойдаланишди.

Президентимиз ташрифи арафасида воҳада тун бўйи ёмғир ёлди. Кексалар табиатнинг бу неъматини мамлакатимиз раҳбарининг ташрифи билан боғлаётгани бежиз эмас. Одатда бундай ҳолатда «Меҳмоннинг оёғи ярашди», деб қўйишди...

Ўтган галги ташрифдан сўнг воҳада мисли қўрилмаган бунёдкорлик жараёни бошланиб кетганди. Қадим Хива шаҳрига тез-юлар поезд ҳаракати йўлга қўйилиши учун бошланган ишлар қисқа фурсатда нийҳосига етказилди. «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси таркибига кирувчи бир қатор sanoat корхоналарининг қурилиши, ишга тушиши воҳанинг sanoat салоҳиятини янги поғонага кўтарди, ўз навбатида иш ўринлари яратилишига замин яратди.

Президентимиз бир қатор туманларда бўлиб, ислохотларнинг бориши билан танишди ва ўз навбатида воҳа аҳли учун аҳамиятли янги гоёларни ўртага ташлаб, уларнинг амалиёти учун пойдевор яратиб берди.

Бундан барча хурсанд. Одамлар ўз миннатдорлигини айтиш асносида воҳа тарихида ҳали ҳеч қачон бу қалар улкан бунёдкорликлар бўлмаганини ҳам алоҳида таъкидлашмоқда.

Янги, энг замонавий лойиҳа асосида барпо этилган Охун бобо жомеъ масжидида бирийўла тўрт минг нафар киши намоз ўқийди. Бу билан масжид нафақат юртимизда, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам энг йирик жомеъ масжиди эканлигини хоразмликлар фахр-ифтихор билан айтишмоқда.

— Урганч шаҳрининг бош жомеъ масжиди ҳийла эскириб қол-



ганди. Янги масжид барпо этиш гоёси Президентимиз томонидан ўтган йили ўртага ташланди ва тамал тоши қўйилди, — дейди **Урганч шаҳридаги Охун бобо жомеъ масжиди бош имом хатиби Ҳасанбой ҳожи Кенжаев**. — Лойиҳада масжид мезанаси 27 метр эди, мамлакатимиз раҳбари мезанани 40 метр баландликда тиклашни таклиф қилди. Токи масжид мезанаси аэропортдан ҳам кўриниб турсин. Бу беҳудага эмас. Эндиликда вилоятимизга саёҳат ва зиёратга келаётган хорижлик мусулмон биродарларимиз шу ерда ислом фарзларини адо этади. Бунинг учун барча шароитлар муҳайё. Бизга кўрсатилган барча ғамхўрликлар учун Президентимизни дуо қилмоқдамиз.

Рийимбой ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гuruhу аъзоси:

— Президентимиз ташрифи чоғида фақат янги қурилаётган корхоналар билан танишиб қолмай, воҳа аҳли қувончига сабаб бўлаётган янги бошламаларга ҳам эътибор қаратди. Масалан, эндиликда воҳа шароитида йил давомида полиз маҳсулотлари, жумладан қовун этиштириш учун 20 гектарлик иссиқхона бунёд этиш гоёси тамомил янгиликдир. Қиш ойда палагидан

янги узилган қовун истеъмол қилишни тасаввур қилинг. Ҳали бунақаси бўлмаган. Ёки гўшт маҳсулотлари нархини мўтадил сақлаш учун Шовот туманида 6 минг бош чорвага мўлжалланган бўрдоқчилик мажмуаси қурилишини айтилик. Воҳа тарихида ҳали бу қалар йирик мажмуа бўлмаган.

Лойиҳада масжид мезанаси 27 метр эди, мамлакатимиз раҳбари мезанани 40 метр баландликда тиклашни таклиф қилди. Токи масжид мезанаси аэропортдан ҳам кўриниб турсин.

Фаоллар билан йиғилишда Президентимиз қишлоқ хўжалигида назорат йўқолгани, четдан инвестиция киритиш даражаси пастлигини қаттиқ танқид қилди, бу биз депутатларга сабоқ бўлмоғи лозим. Партиямиздан сайланган депутатлар давлат дастурлари ижросини назорат қилишни бир лаҳза бўлсин эсдан чиқармасликлари керак. Ахир амалга оширилаётган ислохотлар аҳолининг нафақат бутунин, эртанги кунни, фарзандларимиз келажакини ўйлаб қилинапти.

Ноҳира ОДАМБОЕВА,
ЎзХДП фаоли, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги партия гuruhу аъзоси, тadbirkor:

— Воҳамиз, айниқса, қадим Хива кунда бир яшараяпти. Сайёҳлар сони ошмоқда. Аммо, Президентимиз бу кўрсаткичларни янада юксалтириш гоёларини ўртага ташлади. Хива шаҳрида

янги меҳмонхоналар қуриш, сайёҳларга хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш амалиётини йўлга қўйиш кераклигини айтди. Бу янги имкониятлар демасдир. Ҳар бир қулайлик, имтиёз партиямиз электро-рати манфаатларига хизмат қилади.

Президентимизнинг Маъмур академияси мактабини очиш ҳақидаги таклифи ҳам халқимиз томонидан қизгин кутиб олинди.

Бу мактаб иқтидорли ёшларимизга илм чўққиларини эгаллашда ёрдам беради.

Биз хоразмликлар Президентимизнинг ҳар бир ташрифини орзиқиб қутаимиз. Сабаби олдий: бу ташрифлар орзу-умидларимизга қанот бағишлайди, имкониятларимизни кенгайтиради.

Шерзод ЖУМАНИЕЗОВ,
«Ўзтемирйўли» лойиҳаси
АЖ Хоразм филиали Хива вокзал бошлиғи:

— Темир йўл соҳаси мутахассиси сифатида эътироф этишим керак, ҳали тизим тарихида бундай қисқа муддатда бу қалар улкан ҳажмли бунёдкорлик амалга оширилмаган. Қадим Хива шаҳрига темир йўл бир йилнинг нари берисида тортилди ва замонавий кўринишдаги Хива вокзали қурилди. Вокзал қурилиши учун 25 миллиард сўм сарфланди. Бир йўла 200 йўловчига хизмат кўрсатадиган замонавий вокзал тез қунарда илк йўловчиларни қабул қилади. Уларнинг аксари хорижлик сайёҳлардир. Бир сўз билан айтганда, янги темир йўл тизими нафақат воҳада, балки юртимизда туризм салоҳиятини оширишда хизмат қилади.

Президентимиз янги вокзал биносини қўздан кечириб, бу ерда йўловчиларга яратилган шароитлар билан қизикди. Шу билан бирга, тизим хизматчилари учун ҳам ҳар томонлама шароитлар яратилиши кераклигини уқтирди.

...Бутун ҳар бир хоразмликнинг кўнглида қувонч, дилида гурур. Буларни шунчаки сўзлар билан ифодаб бўлмайди.

Ўтган қисқа даврда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган эзгу ишлар воҳанинг қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда, аҳолининг эртанги кунига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамламоқда.

...Маҳалламиз кексаларидан 81 яшар меҳнат фахрийси Шокир Жуманиезов Президентимиз ташрифларига шундай таъриф берди: Қани, вақти, имкони бўлса-ю Президентимиз воҳамизга тез-тез келса. Қадимлар ярашиб, кўз кўриб қулоқ эшитмаган янгиликларни биз кексалар ҳам кўраймиз. Ҳар келганда қанчалар бунёдкорликларга бош бўлмоқда. Илоҳим, халқ дарди билан яшаётган бу инсонга Аллоҳ раҳматларини ёғдирсин...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МЕҲР-МУРУВВАТ ИНСОН РУҲИНИ КЎТАРАДИ

ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши томонидан Халқаро ногиронларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан жойларда бир қатор тadbirkorлар ўтказилди. Бундай хайрли ҳаракатларнинг аксарияти бевосита хонадонларда, шифо масканларида ташкил этилди. Уларда партия фаоллари, депутатлар, мутасадди ташкилотлар вакиллари, тadbirkorлар иштирок этди.



Ургут туманидаги Мурувват уйида 18 ёшдан ошган руҳий касаллар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган ва васийликка олинганлар даволанади.

— Мурувват уйида ногиронлиги бор 446 нафар киши врач ва ҳамшираларнинг доимий назоратида, — дейди **муассаса директори Бунёд МУРТАЗОВ**. — Улар учун қулай шароит яратилган. Ошхона, кутубхона ишлаб турибди. Овқатлари сифатли, беморларга бериладиган ҳар кунлик масаллик назорат комиссияси орқали текширилади.

Мажидхон УСМОНОВ, ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси:

— Бугунги кунда ЎзХДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашларида партиямиздан сайланган 116 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Жорий йил давомида улар томонидан идора ва ташкилотларга 560 депутатлик сўрови юборилиб, асосий қисми ижобий ҳал этилди. Депутатлик сўровларида ногиронлиги бўлган фуқароларга ғамхўрлик кўрсатиш масалаларига алоҳида аҳамият берилаяпти.

Президентимиз томонидан ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тadbirkorлар дастури тасдиқланганлиги мамлакатимизда ҳар бир инсон, хусусан, ногиронлар турмуш тарзига алоҳида эътибор қаратилаётганидан дарак беради. Депутатларимиз ва партиямиз фаоллари аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахсларга ғамхўрлик кўрсатиш билан боғлиқ тadbirkorларда доимий фаоллик кўрсатиб келмоқда. Ургутдаги Мурувват уйида ташкил этилган тadbirkorлар даволанаётган беморларнинг яшаш шароити билан танишилди, уларга ҳомиёлар томонидан совғасаломлар топширилди.

Толиб ЭШМОНОВ,
Самарқанд шаҳридаги 16-давлат нотариал идорасининг катта нотариуси, вилоят Кенгаши депутати:


— Мен Ўзбекистон либерал демократик партиясидан депутатликка сайланган бўлсам ҳам ЎзХДПнинг Самарқанд вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тadbirkorда иштирок этаётганимдан хурсандман. Тўғри, мамлакатимиздаги ҳар бир партиянинг ўз йўли, ўз қарши-бори. Аммо мақсад битта: мамлакат ривожини, фаровонлигига ҳисса қўлиш, одамлар ҳаёти янада яхшиланишида иштирок этиш, аҳолининг кам таъминланган қатламида ҳимоя қилиш, ногиронлиги бор шахсларга ғамхўрлик кўрсатиш. Бугунгиқдай тadbirkorлар партияларнинг бир-бирини қўллаб-қувватлаш, мавжуд муаммоларга биргаликда ечим топишига имкон яратади. Бугун ушбу муассасага келган Мавлон Оқиловга ўхшаган тadbirkorлар ҳамманинг дуосини олди.

Қодир ТОЖИБЕВ, иккинчи гуруҳ ногирони:

— Ёшим 80 да. Биз яшаётган Мурувват уйига ЎзХДП фаоллари билан бирга Мавлон Оқилов, Талъат Жабборов, Санжар Ганиев сингари тadbirkorлар совға-салом билан келишди. Ҳаммасига раҳмат. Мамлакатимиздаги тинчликка кўз тегмасин.

— Хусусий тadbirkor Мавлон Оқилов Мурувват уйига тез-тез келиб туради, — дейди **иккинчи гуруҳ ногирони Озода Юсупова**. — У киши биз билан чин кўнгилдан суҳбатлашади, яшаш шароитимиз билан қизикади. Совға-саломлар улашади. Эътибордан миннатдоримиз.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



«Ўзбекистон овози» газетасининг 2018 йил 6 ноябрь сониди эълон қилинган «Халқаро тоғ туризми» номли таҳлилий мақола туризм соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган ёш тадқиқотчилардан лани сифатида мени мулоҳаза юритишга ундади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон табиати ва географик ҳудудияти тағир тоғ туризмида жасад ривожлантириш борасида улкан имкониятлар мавжудлигини кўрсатади. Бугун биз бу ноёб имкониятлардан талаб даражасида фойдалана оламизми? Иқтисодий таҳлил билан шуғулланиб келаётган маҳаллий экспертлар тоғ туризми салоҳиятини тўла ишга солишининг илмий асосларини тадқиқ қилишга эътибор қаратишмоқчи? Туризм соҳасини тартибга солишга масъул ваколатли давлат органи — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси мутахассисларининг айни йўналишдаги сайёҳаракатларини етарли, деб баҳолаб бўладими?...

Шу сингари саволлар «карвон»ни истисно қилиб қолдириш мумкин. Аммо фақат савол бериш билангина мам-

лакатимизда тоғ туризмининг ривожлантириб бўлмайди. Бу — аниқ. Демак, масала ечимига комплекс ёндашувни шакллантириб, манфаатдор томонлар ўртасида амалий мулоқот муҳитини жонлантириш фурсати етиб келди. Ўзбекистонда тоғ туризмининг жадал ривожлантиришининг яқин беш йилга мўлжалланган халқаро маркетинг стратегияси устида бош қотириш лозим, назаримизда.

Жаҳоннинг тоғ туризми ривожланган мамлакатлари — АКШ, Швейцария, Франция, Канада, Россия Федерацияси тажрибаси шундан далолат берадики, туризмнинг ушбу йўналишида бизнес юритиш тизими дастлабки босқичда давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезади. Шуларни инобатга олиб, Ўзбекистон тоғ туриз-

ТОҒ ТУРИЗМИ ЎЗ-ЎЗИДАН РИВОЖЛАНМАЙДИ

Бунинг учун аввал маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш керак бўлади

ми соҳасида жозибали брендни ишлаб чиқиш ва уни жаҳон бозоридида фаол тарғиб қилиш зарурати юзага чиқмоқда.

Масалан, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент вилояти тоғли ва тоғолди ҳудудларининг туристик имкониятларини ҳали сайқалланмаган олмага ўхшатиш мумкин. Жорий йил ёз фаслида Тошкент давлат иқтисодий университетидан бир гуруҳ тадқиқотчилари томонидан Сурхондарё вилояти Бойсун, Шеробод ва Сарисий туманларининг тоғ туризми имкониятларини таҳлил қилиш мақсадида мониторинг олиб борилди. Натижада ўрмон хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш органи, молия муассасалари, коммунал соҳа идоралари ўртасида тоғли минтақаларда туризм соҳасини ривожлантириш юзасидан ҳал этилиши лозим бўлган ҳамкорликдаги вазифалар ижроси таъминланмаётгани сезилди. Аниқроқ айтиладиган бўлсак, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар таркибига буфер зоналар ташкил этилган. Лекин ушбу маҳсул ҳудудларда ҳам туристлар учун қулай шароит яратилган, деб бўлмайди. Мухандислик инфратузилмасини яхшилаш учун айни масала республика миқёсида ечим топиш лозим.

Шулардан келиб чиқиб, тоғ туризми соҳасидаги тadbirkorлик ташаббусларини рағбатлантиришга қаратилган амалий сайёҳаракатларни қўйидаги йўналишларда жалдлаштириш лозим, деб ҳисоблайман:

- минтақаларда тоғ туризми инфратузилмаси объектиларини ташкил этиш чора-тadbirkorларини белгилаш;
- тоғ туризмга хос фаолиятни йўлга қўйишда илҳом хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;
- тоғ туризмга оид техник-иқтисодий асосланган лойиҳаларни потенциал инвесторлар баҳолаши учун алоҳида ахборот-аналитик порталда жамлаб бериш;
- тоғли ва тоғолди ҳудудлари аҳолисининг молиявий ресурслардан стратегик мақсадларда фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга устувор аҳамият бериш.

Глобал бозорда инновацион маркетинг технологияларини унумли қўллаган ҳолда, тоғ туризми йўналишидаги турпакетлар сотувини ташкил этиш тенденцияси вуҳудга келиб улғурди.

Эътиборга молик томони шундаки, тоғ туризмга оид салохиятдан мақбул даражада фойдаланиш учун мамлакатимиз минтақаларининг ра-

қобат устуниликлари мавжуд. Булар нисмаларда намоён бўлади? Биринчидан, тоғли ҳудудлар иқлим шароити тўлақонли ҳордиқ чиқариш ҳамда саломатлиқни тиклаш учун барча табиий шароитларни ўзида жамлаган. Иккинчидан, кўрсатилмаган хизматларнинг бозор қиймати жаҳондаги аналоглардан бир неча бор арзон.

Шу каби омилларни инобатга олиб, мамлакатимизда тоғ туризмининг ривожлантиришининг яқин 5 йилга мўлжалланган халқаро маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, бунинг учун қўйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсада мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- жаҳон тоғ туризми хизматлари бозоридида конъюнктуравий ўзгаришларнинг тизимли маркетинг тадқиқотларини йўлга қўйиш;
- минтақаларнинг тоғ ту-

ризми йўналишдаги рақобат устуниликларини ўз ичига олган туристик хизматлар мажмуини ташкил бозорларда фаол илгари суриш, бу борада мақсадли ёндашувни шакллантириш;

— ресурс салоҳиятига эга минтақаларда инвестицион лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун қулай иқтисодий муҳит яратиш.

Ечимини кўтаётган муаммоларни ҳал қилиш масъулиятини кимнингдир зиммасига юклаб қўйиш билан қутилган натижага эришиб бўлмайди, албатта. Шундай экан, мутасаддиларнинг бу муҳим масалага масъулият билан қараш фурсати аллақачон етиб келган, деб ўйлайман.

Сирожиiddin ХАЛИЛОВ,
Тошкент давлат иқтисодий университети тадқиқотчиси.

ТАХРИРИЯТДАН: Ушбу мақолада муаллифнинг минтақаларда тоғ туризмининг ривожлантириш мавзусига оид айрим фикрлари келтирилган, холос. Ёш мутахассис ҳудудлардаги мавжуд ҳолатни ўз кўзи билан кўрган, бир гуруҳ мутасаддиларнинг хоҳиш-истаклари ва фикр-мулоҳазаларини ўрганган. Шулар асосида минтақаларда тоғ туризмининг ривожлантиришининг 2019-2023 йилларга мўлжалланган халқаро маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича услубий йўриқнома ҳам тайёрлаган экан. Хулоса ўрнида айтиш керакки, жойларда муаммолар оз эмас, уларни қандай ҳал этиш ҳақида таҳлиллар, таклифлар ҳам бор. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси бу масалага алоҳида эътибор қаратади, мутахассисларни эшитиш, деган умиддамиз.

